

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo
kompleksi» АЖ акциядорлар умумий
йиғилишининг 201_ йил
«__»_____даги қарори билан**

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO
KOMPLEKSI» АЖ бошқарув органларининг акциядорлар ва инвесторлар
билин ўзаро ҳамкорлиги
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА:

- I. Умумий қоидалар
- II. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш
- III. Кузатув кенгашининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш
- IV. Жавобгарлик
- V. Яқунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «**Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi**» АЖ бошқарув органларининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги” Тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари
ва
«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» АЖнинг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Жамият бошқарув органлари – Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларини белгилаб беради.

3. Ушбу Тартиб Жамият бошқарув органларининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек Жамият акциядорларининг қонуний хукуқ ва манфаатларини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Ушбу Тартиб Жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгashi аъзоларига, Жамият мансабдор шахслари ва ходимларига қўлланилади.

II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ АКЦИЯДОРЛАР ВА ИНВЕСТОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5. Ижроия органи Жамият акциядорларининг қонуний хукуқ ва манфаатларини амалга ошириш мақсадида акциядорлар ва инвесторлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этади, уларга Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларга эга бўлишлари, Умумий йиғилишларда иштирок этишлари, дивиденд олишлари ва Жамият фаолиятидаги муҳим корпоратив ҳаракатларда иштирок этишлари учун қулай шароитлар яратиб беради.

6. Жамият Ижроия органи аъзоларининг акциядорлар ва инвесторлар билан ҳамкорлиги ўзаро ишонч, хурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосида амалга оширилади.

7. Жамиятда барча акциядорларга, уларга тегишли улуш миқдори, даромади, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хил муомала қилинади.

8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасида, акциядорлар ва инвесторлар билан корпоратив муносабатларни қўллаб-қувватлаш вазифасини бажарувчи таркибий бўлинма (кейинги ўринларда - ваколатли таркибий бўлинма) ташкил қилинади ёки Ижроия органи раҳбарининг буйруғига асосан акциядорлар ва инвесторлар билан корпоратив муносабатларни қўллаб-қувватлашга жавобгар ходим (кейинги ўринларда – Жамиятнинг ваколатли ходими) тайинланади.

9. Ваколатли таркибий бўлинма (ваколатли ходими) Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ҳамкорлигини ташкиллаштиради.

10. Жамиятнинг ваколатли таркибий бўлинмаси (ваколатли ходими) ўз фаолиятини қуидаги хужжатларга асосан амалга оширади:

- а) Ўзбекистон Республикаси меъёрий-қонуний хужжатлари;
- б) Жамият Устави;
- в) Жамиятнинг ички хужжатлари;
- г) Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари қарорлари;
- д) Ижроия органи қарорлари;
- е) Ижроия органи буйруқ ва фармойишлари;
- ж) Мазкур Тартиб.

11. Ваколатли таркибий бўлинма (қимматли қофозлар бўйича мутахасис)нинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- а) акциядорлар ва инвесторларга, ошкор этилиши мажбурийлиги қонунчиликда белгиланган ахборотларни ҳамда Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига ва Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомда белгиланган бошқа қўшимча ахборотларни олиш имкониятини таъминлаш;
- б) акциядорларни, уларнинг ҳукуқлари юзага келганда ва ушбу ҳукуқларни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор қилиш;
- в) Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- г) Жамият бошқарув органларининг хисоботларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- д) Жамият назорат органи хулосалари билан танишиш имкониятини таъминлаш;
- е) дивидендларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- ж) акциядорлар ва инвесторларнинг мурожаат ва сўровларини ўз вақтида кўриб чиқиши ҳамда уларга ўз вақтида жавобларни юбориш;
- з) бошқа вазифалар.

12. Ижроия органининг қабулхонасида акциядорлар ва инвесторларнинг мурожаат ва сўровларини қайд этиш ва ҳисобга олиш Журнали юритилади.

13. Акциядорлар ва инвесторларнинг барча мурожаат ва сўровлари белгиланган Журналда рўйхатга олинади.

14. Жамиятнинг Ваколатли таркибий бўлинмаси (ваколатли ходими) акциядорлар ва инвесторларнинг мурожаат ёки сўровларига 2 (икки) иш куни ичida жавоб тайёрлайди, Ижроия органи билан келишади ҳамда мурожаат ёки сўровларда белгиланган жавоб тақдим этиш усулида жавобни юборади.

15. Ахборотлар акционерларга “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ва унинг маҳфийлик чекловларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади.

16. Инвесторларга унинг инвестиция киритиш тўғрисида асосли қарор қабул қилишига имкон берадиган барча ахборотлар, унинг маҳфийлик чекловларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади.

17. Ҳужжатлар нусҳасини тақдим этиш учун тўлов уларнинг нусҳасини тайёрлаш учун кетган харажатдан ошиб кетиши мумкин эмас.

18. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Ижроия органи акциядорларга Ижроия органи ва Кузатув кенгаши аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш, шунингдек йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш учун барча зарурий ташкилий ва техник шароитлар яратиб беради

19. Умумий йиғилишда қабул қилинаётган қарорларнинг асослилигини ошириш мақсадида, Ижроия органи акциядорларга қонунда белгиланган тақдим этилиши мажбурий бўлган материаллардан ташқари қўйидаги қўшимча материалларни тақдим этади:

а) Жамият аудиторлигига номзодлар тўғрисида, уларнинг профессионал сифатлари ва мустақиллиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан Жамият аудиторлигига номзодлар аъзо бўлган аудиторларлик ташкилотнинг номи, аудиторларни танловларини ўтказишда қўлланиладиган услубларни (жараёларни) таърифи, қайсики уларнинг объективлиги ва мустақиллиги таъминланиши, шунингдек аудиторларга тўланадиган хизмат ҳаки тўғрисида маълумотлар;

б) Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига нисбатан Жамият Кузатув кенгашининг позицияси, шунингдек кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоларининг алоҳида фикрлари;

в) Жамият устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, йирик битимларни ва аффилланган шахслар билан тузилаётган битимни маъқуллаш бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг муҳимлини асослаш ва мазкур қарорлар қабул қилинганда Жамият ва унинг акциядорлари учун келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириб бериш;

г) Жамият уставига ва ички ҳужжатларига ўзгартириш киритилаётганда – киритилаётган ўзгартиришларнинг жорий (амалдаги) таҳрири билан таққослаш жадвали, ушбу қарорларнинг қабул қилиниши муҳимлигини асослаш ва қарорлар қабул қилинган тақдирда Жамият ва унинг акциядорлари учун келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириб бериш;

д) аффилланган шахслар билан тузилаётган битимни маъқуллашда битим тузишидан манфаатдор шахслар рўйхатини, уларнинг манфаатдорлигини эътироф этиш учун сабаб бўладиган асосларни;

е) Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари лавозимига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари, жумладан уларнинг малакаси ва таржимаи ҳоллари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш, шунингдек номзодларнинг Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзоларига қўйиладиган талабларга мувофиқликлари ҳакида ахборот;

ж) соф фойдани тақсимлаш (шу жумладан дивиденд тўлаш ва Жамиятнинг хусусий эҳтиёжлари учун) таклифи ва уни баҳолаш Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини асослаш; соф фойданинг маълум қисмини Жамиятнинг хусусий эҳтиёжларига йўналтириш зарурати туғилганда, ушбу заруратни иқтисодий асослаб бериш ва тушунтириб бериш;

з) акциялар бўйича дивидендлар миқдорини ҳисоблаш тартиби тўғрисида тўлиқ маълумот;

и) дивиденд тўловлари ёмонлашишига олиб келувчи корпоратив ҳаракатлар тўғрисида маълумот.

20. Ваколатли таркибий бўлинма (ваколатли ходими) акциядорнинг умумий йиғилишни ўтказишга доир материаллар билан танишиш тўғрисидаги мурожаатига, агар ушбу мурожаат мазмунида хатоликка йўл қўйилган ёки муҳим бўлмаган камчиликка йўл қўйилган бўлсада, акциядорнинг талаби унинг эркини ифода этади ва белгиланган материаллар билан танишиш, шу жумладан уларнинг нусҳасини олиш хуқуқини тасдиқлайди. Мурожаатда муҳим камчиликка йўл қўйилганда, жамият дарҳол акциядорни камчиликни ўз вақтида тўғрилаш имконияти мавжуддиги ҳақида хабардор қиласи.

21. Ижроия органи қонунчиликда белгиланган барча масалалар бўйича Миноритар акциядорларнинг қўмитаси билан ҳамкорлик қиласи.

22. Акциядорларни қабул қилиш Ижроия органи раҳбари томонидан амалга оширилади. Раҳбарнинг қабул кунлари, вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади.

23. Ижроия органининг акциядор ва инвесторлар билан алоқа қилишлари учун қуийдаги чоралар кўрилади:

а) Акциядорлар ўзларининг ёзма ва электрон мурожаатларини, шу жумладан уларнинг алоқа (контакт) маълумотлари ва банк реквизитлари, телефон, факс рақамлари ва ҳ.к. ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни юборишлари учун Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жамиятнинг манзиллари (почта ва электрон) кўрсатилади;

б) Жамиятнинг Ваколатли таркибий бўлинмасида (ваколатли ходими) “тезкор алоқа” маҳсус телефон канали ташкил қилинади;

в) Ижроия органининг акциядор ва инвесторлар билан ҳамкорлик қилишлари учун маҳсус электрон почта очилади;

г) акциядор ва инвесторлар билан ишчи учрашувлар ташкил қилинади;

д) акциядор ва инвесторлар билан видео-конференц алоқа орқали муҳокамалар ташкиллаштирилади;

е) Миноритар акциядорларнинг қўмитаси раиси ва аъзолари, миноритар акциядорлар билан мунтазам равишда ишчи учрашувлар ташкил қилинади.

24. Манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ низоли вазиятни Ижроия органи даражасида аниқлаш ва тартибга солиш учун Низоларни тартибга солиш Комиссияси тузилади.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ АКЦИЯДОРЛАР ВА ИНВЕСТОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

25. Кузатув кенгашиннинг акциядор ва инвесторлар билан ҳамкорлигини амалга ошириш Корпоратив маслаҳатчига (Кузатув кенгашиннинг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) юклатилади.

26. Кузатув кенгаши акциядор ва инвесторлар билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш, акциядор ва инвесторларнинг мурожаатларини тезликда кўриб чиқиши, низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун корпоратив бошқарув бўйича, низолар бўйича, стратегия ва бошқалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлар) ташкил этади.

27. Ижроия органи раҳбарининг қабулхонасида акциядорлар ва инвесторларнинг Кузатув кенгашига мурожаат ва сўровларини қайд этиш ва ҳисобга олиш Журнали юритилади.

28. Акциядорлар ва инвесторларнинг Кузатув кенгаши номига келиб тушган мурожаат ёки сўровлари Журналда рўйхатга олинади ва 1 (бир) иш куни ичида Корпоратив маслаҳатчига (Кузатув кенгашининг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) имзоси олинган ҳолда берилади.

29. Акциядорлар ва инвесторларнинг Кузатув кенгашига муҳрланган конвертда келиб тушган мурожаат ёки сўровлари очилмайди, Журналда рўйхатга олинади ва 1 (бир) иш куни ичида Корпоратив маслаҳатчига (Кузатув кенгашининг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) имзоси олинган ҳолда берилади.

30. Акциядорлар ва инвесторларнинг мурожаат ва сўровларига белгиланган тартибда жавоб тайёрлаш учун Кузатув кенгаши Қўмиталар раислари зарур ахборот ва хужжатларни олиш учун Ижроия органига ва Жамиятнинг назорат органларига мурожаат этишга ҳақлидирлар.

31. Кузатув кенгашининг тегишли Қўмитаси акциядор ва инвесторларнинг мурожаатларига 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай жавоб тайёрлайди, зарур холларда жавоб Кузатув кенгашининг раиси билан келишилади.

Акциядор ва инвесторларнинг мурожаатларига берилган жавоб тегишли Қўмита раиси томонидан имзоланади ва Корпоратив маслаҳатчига (Кузатув кенгашининг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) берилади.

Корпоратив маслаҳатчи (Кузатув кенгашининг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) жавоб хатини маҳсус Кузатув кенгашидан чиқувчи хужжатлар Журналида қайд этади ва акциядор ёки инвесторга мурожаат ёки сўровларда белгиланган жавоб тақдим этиш усулида жавобни юборади.

32. Акциядор ва инвесторлар Кузатув кенгаши раисига ва Кузатув кенгаши Қўмиталари раисларига мурожаат этишлари мумкин. Акциядор ва инвесторларни қабул қилиш кунлари белгилаб қўйилади. Қабул кунлари, вақти ва жойи ҳақидаги ахборотлар Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаширилади.

33. Кузатув кенгашининг акциядор ва инвесторлар билан алоқа қилишлари учун қуийидаги чоралар кўрилади:

а) Корпоратив маслаҳатчи (Кузатув кенгашининг иш юритиш бўйича жавобгар аъзоси) доимий бўладиган жойда “тезкор алоқа” маҳсус телефон канали ташкил қилинади;

б) Кузатув кенгаши учун маҳсус электрон почта манзили очилади;

в) акциядор ва инвесторлар билан ишчи учрашувлар ташкил қилинади;

г) Миноритар акциядорларнинг қўмитаси раиси билан мунтазам равищда ишчи учрашувлар ташкил этилади.

34. Низоли вазиятни Жамият Кузатув кенгаши даражасида аниқлаш ва тартибга солиш мақсадида Кузатув кенгаши, Ижроия органи аъзоларидан, Жамият мансабдор шахслари ва ходимларидан, жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, маҳсус профилдаги олий таълим муассасаларининг муаллим таркиби ва х.к.)дан таркиб топган Низоларни тартибга солиш Комиссияси тузилади.

35. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишда иштирок этишлари учун максимал қулай шароит яратиш мақсадида Кузатув кенгаши раиси Умумий йиғилишни интернет тармоғида узатиш (трансляция қилиш), аудио-видео ёзувлар амалга ошириш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

IV. ЖАВОБГАРЛИК

36. Мазкур Тартибни бузган шахслар қонунчиликда белгиланған тартибда жавобгарликтікка тортилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

37. Мазкур Тартиб Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланғанидан сүнг кучга киради.

38. Жамият Кузатув кенгашининг Мазкур Тартибни тасдиқлаш тұғрисидаги қарори мажлисда қатнашаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг күпчилик овози билан қабул қилинади, ёки сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

39. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички хужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши, Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда киритилиши мумкин.

40. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланғанидан сүнг кучга киради. Жамият Кузатув кенгашининг ушбу Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш тұғрисидаги қарори мажлисда қатнашаётган Кузатув кенгаши аъзоларининг күпчилик овози билан қабул қилинади, ёки сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

41. Агар мазкур Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ушбу бандлар билан тартибга солинувчи масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунча қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик меъёрларига ва/ёки Жамиятнинг Уставига асосан тартибга солинади